Куч — адолатда

2010 йил,
14 апрель,
чоршанба
№ 15 (269)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Соғлом фарзанд эртанги кунимиз фаровонлиги, тинчлигимиз барқарорлигининг энг муҳим омилидир. Шу боис ҳам мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Айниқса, «Баркамол авлод йили»да бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ана шу эзгу мақсад йўлида қилинаётган ишлар ёш авлод манфаатларига хизмат қилмоқда.



Қайд этиш жоизки, Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Яратилаётган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ҳар жабҳада олдинга интилаётган ёшлар билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Юртимиздаги замонавий академик лицей, касб-ҳунар коллежи, умумий ўрта таълим, санъат ва мусиқа мактабларида таълим олаётган фарзандларимиз ҳам замонавий билимга эга, ҳам миллий қадриятларимизга садоқатли, киши ҳавасини келтирадиган шижоатли ўғил-қизлар бўлиб камолга етаяпти. Улар турли халқаро кўрик-танловлар, нуфузли мусобақалар, фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритиб, Ватанимиз шуҳратини янада оширмоқда.

Ўтган йили Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган математика бўйича 50-халқаро олимпиадада Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей талабаси Диёра Салимова кумуш, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 52-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Аброр Пирнафасов, Азимхон Назаров бронза медалини қўлга киритгани бошқа тенгдошларининг интилишига ҳам катта рағбат бўлди.

Замонавий билимга эга, дунёқараши кенг, юртига садоқатли ҳарбийларимиз хизмат вазифаси билан бирга халқаро мусобақаларда ҳам кимнинг авлоди, қайси юртнинг фарзанди эканини дунёга намойиш этмоқда. Пекин олимпиадасида дзюдо бўйича бронза медалини қўлга киритган Ришод Собиров қадди ва қадри баланд ҳарбийлардан.

Ришод 1986 йили Бухоро вилоятининг Жондор туманида таваллуд топган. 19 ёшида Осиё чемпиони, 20 ёшида Умумармия ўйинлари ғолиби бўлган. Яқинда у Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида бўлиб ўтган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда 60 килограмм вазн тоифасида 42 мамлакатдан келган полвонларнинг ҳеч қайсисига имконият қолдирмади. Ғайратли йигитнинг ғалабаси шарафига ҳамма ўрнидан турди, давлатимиз байроғи баланд кўтарилди, мадҳиямиз янгради...

Албатта, кетма-кет шоҳсупага кўтарилиш, дунёда тенгсизлигини кўрсатиш учун спортчи ҳар томонлама етук бўлмоғи даркор. Матонатли боксчимиз Аббос Атоев фаолияти бунга мисол. Кейинги йилларда теннис оламида Мурод Иноятов, Денис Истомин, Неъмат Шофайзиев, Оқгул Омонмуродова сингари янги номлар кашф этилди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг ёшларга кўрсатаётган алоҳида эътибори, ғамхўрлиги мевасидир.

Нигора АЛЛАНОВА

Ушбу сонда:

Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги

3

Маҳалла — ибрат мактаби

3

Журналнинг янги сони

4

Anjuman

Ўзбекистон тажрибасининг жаҳон миқёсидаги эътирофи

Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг кўламли самараларини, жаҳон молиявий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетган бир пайтда, Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Президент Ислом Каримовнинг «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» ва «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзуидаги маърузаларида келтирилган қоида ҳамда хулосалар ҳам буни яққол тасдиқлашини алоҳида таъкидладилар.

Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз:

Ханс Йоахим КНАУПЕ, Берлиндаги Халқаро иқтисодиёт академияси директори, профессор (Германия):

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу конференция Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аксилинқироз дастури билан яқиндан

танишиш, бу борада турли мамлакатлар экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр алмашиш имконини берди. 2009 йили мамлакатингизда шу мавзуда ўтказилган йирик халқаро анжуманда иштирок этиб, ўзим учун жуда зарур маълумот ва янгиликларга эга бўлган эдим.

Ўзбекистоннинг ғоят мукаммал, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бўҳрон шароитида иқтисодий ислоҳотларни қамраб олиш баробарида, келгусида — инқироздан кейинги даврда ҳам тараққиёт сари элтувчи муҳим устувор йўналишларни, чора-тадбирларни акс эттирган. Унда белгиланган вазифалар кўпгина мамлакатлар учун истиқболли дастур сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Кольм ФОЙ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Тараққиёт марказининг «Қора денгиз ва Марказий Осиё ташаббуси» дастури мувофиқлаштирувчиси (Франция):

— Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнгги йиллардаги жадал ва барқарор ривожи мамлакат танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини исботлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгилаш, экспортни диверсификация қилиш, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоя миқдорида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Малакали ҳуқуқий ёрдам

фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилади

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш асосларини мустаҳкамлашни адвокатура институтисиз тасаввур этиб бўлмайди. Адвокатура адолатнинг қарор топиши, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади. Бинобарин, малакали ҳуқуқий ёрдам ўз соҳасининг мутахассиси бўлган шахслар, яъни адвокатлар томонидан кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони бунга замин яратди. Ушбу Фармон асосида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг тергов ва суд ишларида иштирок этишига имкон бермайдиган тарафлар вакиллиги институти босқичма-босқич равишда такомиллаштирилди. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилгани фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, адвокатура институтининг мақоми ва ролини ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Faoliyat

Маъмурий жазо бекор қилинди

чунки у қонун талабига мос эмас эди

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш тамойили амалдаги қонунларимизда кафолатлаб қўйилган.

Тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ низолар асосан ноқонуний текшириш, асоссиз жарима ва молиявий таъсир чораларини қўллаш ёки тузилган шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги кабилар билан боғлиқдир.



Ўтган йили фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти туманлараро судлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан 40 та фуқаролик иши кўрилган. Бу ишларни кўриш натижасида тадбиркорлар манфаатини кўзлаб бир миллион сўмга яқин моддий ва маънавий зарар ундириб берилганидан ташқари уларга нисбатан қўлланилган маъмурий жазолар ҳам бекор қилинди.

Мисол учун М.Каримов «Ҳаракат-М» фермер хўжалигини ташкил этган эди. Давлат солиқ инспекциясининг 2008 йилда ушбу фермер хўжалигида олиб борган текшируви натижасида хўжалик раҳбари М.Каримовга маъмурий чора қўлланилади. Фермер хўжалиги раҳбари ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Iqtisodiyotimiz tamoyillari

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи муҳим соҳага айланди. Айни пайтда у иқтисодиётни изчил ривожлантириш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини кафолатловчи омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг катта қисми айнан шу соҳада фаолият юритмоқда.

Тадбиркор — тараққиёт таянчи

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарб вазифалардан экани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Ҳадя шартномаси

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат тизимининг ҳам алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизда нотариат, "Нотариат тўғрисида"ги қонунга асосан, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилади.

Шу ўринда нотариал ҳаракатлар нималардан иборат, деган табиий савол туғилади. Қонунда белгиланганидек, турли хил битим, васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, мерос мол-мулкини қўриқлашга доир чора-тадбирлар кўриш, ҳужжатлар нусхаларини ва имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва бошқалар нотариал ҳаракатларга киради. Нотариал идораларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — нотариал фаолиятни амалга оширишда низосиз муносабатларни ҳал этишидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Anjuman

Ўзбекистон тажрибасининг жаҳон миқёсидаги эътирофи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди. Бундай изчил чораларни ўз вақтида амалга оширган Ўзбекистон глобал иқтисодий инқироз шароитида деярли зарар кўрмади.

Лаура Жузеппина МАЖИ хоним, Италиянинг «Интерэнержи» энергетика компанияси директори:

— Ўзбекистонда ўтказилган қатор йирик анжуманларда иштирок этганман. Бундай хайрли ва фойдали анжуманларни ташкил этиш орқали Ўзбекистон ўзининг юксак сиёсий нуфузи ва улкан иқтисодий салоҳиятини намоён қилаётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотди.

Ажойиб фикр ва ғоялар билан йўғрилган бу китобда глобал иқтисодий таназзулга қарши курашиш чора-тадбирлари ва иқтисодий барқарорликка эришиш йўллари оқилона ёритиб берилган.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланиб, жаҳон иқтисодий саҳнасидаги нуфузи ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун кўплаб қулайликлар яратилган. Бундай имтиёз ва имкониятлар италиялик бизнесменларнинг ҳам Ўзбекистонга қизиқишини тобора орттирмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан саноқли давлатларгина безарар чиқишга эришди. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мамлакатингизнинг ялпи ички маҳсулоти 2009 йилда 8,1 фоиз ўсгани бунинг ёркин тасдиғидир.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида электр энергетикаси тармоғини модернизация қилиш, энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу чораларни ҳаётга изчил татбиқ этиш нечоғли юксак самаралар берганига дунё аҳли гувоҳ бўлиб турибди. Бошқа давлатларда ҳам бу дастурдан ибрат олиб иш юритиш иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Нейл ЛИВИНГСТОН, «Executive Action» компанияси бош ижрочи директори (АҚШ):

— Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар юксак самаралар бераётганига яна бир бор амин бўлдим. Бу мамлакатингиз раҳбариятининг молиявий инқирознинг олдини олиш мақсадида стратегияни тўғри ишлаб чиққани туфайлидир.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўплаб соҳаларда, жумладан, хусусий тадбиркорлик борасида ҳам ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари катта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби америкаликларда ҳам катта қизиқиш уйғотганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Дхарам ВИР, «Agio Investment» компанияси директори, «Pajero» компаниялар гуруҳи президенти (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонда барча соҳалар жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, авиасозлик ва авиаташувларнинг юксак ривожини қайд этиш ўринли. Аввалари Ҳиндистондан Ўзбекистонга бошқа мамлакатлар орқали келар эдим. Бу кўп вақт ва маблағ талаб этарди. Ҳозир Ҳиндистондан Ўзбекистонга келиш учун атиги 2-3 соат вақт етарли.

Мамлакатингиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳавас қилса арзигулик даражада барқарор ривожланмоқда. Соҳага илғор ва замонавий технологиялар, янги инновацион ғоялар фаол жорий қилинаётгани ва бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани мазкур жабҳа изчил тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Хельмут КРУНЕС, «KRK» қурилиш-саноат компанияси раҳбари (Австрия):

— Кўплаб мамлакатларнинг таниқли олим ва мутахассислари, бизнес одамлари иштирок этган ушбу конференция жуда самарали бўлди. Унда Ўзбекистоннинг глобал молиявий-иқтисодий инқироздек жиддий офатни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари хусусида батафсил фикр алмашилди. Айтишим керакки, мамлакатингиз иқтисодий инқироздан ҳеч қандай зарарсиз чиқишга муваффақ бўлди. Бу эса Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар вакиллари Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури бераётган самараларни юксак баҳолади. Ушбу дастурда инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳам акс этгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этишни истардим. Бу шаҳар-қишлоқларингизнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган қиёфасида — улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида яққол кўзга ташланади.

Танриверди ПАША, Иқтисодиёт институти бўлим мудири (Озарбойжон):

— Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга кўплаб имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бундай юксак эътибор мамлакатингиз иқтисодиётининг муттасил ривожланишида муҳим омил бўлаётгани шубҳасиз.

Ўз вақтида қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонга иқтисодиётни барқарор ривожлантириш имконини берди. Мамлакатингизда, айниқса, хориж сармоясини кенг жалб этиш ва қўшма корхоналар сонини кўпайтиришга қаратилаётган доимий эътибор ва унинг самаралари таҳсинга лойиқ.

Андреас АНДРИАНОПУЛОС, АҚШ коллежи қошидаги Дипломатия ва халқаро муаммолар институти директори (Греция):

— Конференция жуда самарали бўлди. Унда глобал молиявий-иқтисодий инқироздек жиддий муаммони бартараф этишда Ўзбекистон изчиллик билан амалга ошираётган чора-тадбирлар ва уларнинг юксак самаралари хусусида фикр алмашилди. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни янада мустаҳкамланиб, иқтисодиёт соҳасидаги нуфузи ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун катта қулайликлар яратилган. Яратилган турли имтиёз ва имкониятлар грециялик ишбилармонларнинг ҳам ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ):

— «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари давлатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг етук иқтисодчи ва буюк йўлбошчи эканининг яна бир тасдиғидир. Мамлакатингиз раҳбарининг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати боис Ўзбекистон халқаро иқтисодий бўҳрондан деярли азият чекмади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим дастуриламал бўла олишига қатъий ишонаман.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Iqtisodiyotimiz tamoyillari

Тадбиркор — тараққиёт таянчи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши унинг янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжини таъминлаётган маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтириш, умуман, иқтисодиётни юксалтиришдаги аҳамиятини янада оширмоқда. Бундай субъектлар ўртасида шаклланаётган соғлом рақобат муҳити маҳсулот ва хизматларнинг самарадорлиги яхшиланишига кенг йўл очаётир.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, соҳа вакиллари манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Мазкур соҳада яратилган ҳуқуқий база тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг қонуний кафолати сифатида хизмат қилмоқда. Бу жараёнда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган имтиёз ва преференцияларнинг аҳамияти катта.

Тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиб, уларнинг молия-хўжалик фаолияти фақат солиқ идоралари томонидан текширилмоқда. Шунингдек, ҳисобот тақдим этиш ва ҳисобот турлари кескин қисқартирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларига яна бир қатор қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратилди.

Мазкур ҳужжатга биноан тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш, архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, банкларда ҳисобрақамларни очиш учун тўловлар миқдори бирмунча қисқартирилди.

Тадбиркорлик субъектларининг бизнесга доир ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда. Маркетинг ва консалтинг, ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш орқали тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш мақсадида мамлакатимиз бўйича ўттиздан зиёд бизнес-инкубатор фаолият юритмоқда. Тадбиркорларнинг бизнесга доир ғояларини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган тадбирлар самарасида 2009 йилда тўрт мингдан ортиқ иш ўрнига эга 371 та тадбиркорлик субъекти бизнес-инкубация жараёнини ўтади.

2009 йилда ягона солиқ тўлови бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди. Ставкани камайтириш натижасида жорий йилда микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида 25 миллиард сўм атрофида маблағ қолиши кутилмоқда.

Соҳа ривожига қаратилаётган бундай эътибор ўз самарасини бераётир. 2009 йилда қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳани ривожлантиришнинг бош омилидир. 2009 йилда ушбу секторга ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди.

Мисол учун «Микрокредитбанк» томонидан 2009 йилда тадбиркорлик субъектларига 140 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Жумладан, тадбиркорликни энди йўлга қўяётган ишбилармонлар учун бошланғич сармоя сифатида 13 миллиард, тадбиркорларга 90 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди. Кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳисобига 88 мингдан кўпроқ иш ўрни яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йили юртимизда 940 мингдан зиёд, жумладан, кичик бизнес соҳасида 390 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлса, шунинг 270 мингдан зиёди хизмат кўрсатиш соҳасига, 130 мингга яқини касаначиликка тўғри келди.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик сердаромад соҳалардир. Айни пайтда ушбу тармоқларнинг изчил ривожланиши халқимизни кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳамда аҳоли даромадини оширишда катта имконият яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирларига оид фармони асосида наслли қорамолларни аҳолига ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали сотиш, мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмини ошириш, озуқа билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони орқали иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилар учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилди. Касаначилик аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад топишнинг қўшимча манбаига айланди. Айниқса, ушбу меҳнат тури хотин-қизлар, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва жисмоний имконияти чекланган шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиши билан муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда меҳнат фаолиятининг бу турини ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор самарасида касаначилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бажарилаётган хизматлар ҳажми муттасил ортаётир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тарика одамларнинг даромадини янада ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Шу боис, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **соҳани ривожлантиришни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, йўлидаги суньий тўсиқларни бартараф этиш мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият идораларининг доимий вазифасига айланиши лозим.**

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Faoliyat

Маъмурий жазо бекор қилинди

чунки у қонун талабига мос эмас эди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Наманган тумани солиқ инспекциясида тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонун ҳужжатларининг бажарилиши ўрганилганда, инспекция ходимлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 279-, 281-моддалари талаблари бузилганлиги аниқланди.

Шуларни инобатга олиб, вилоят адлия бошқармаси фермер хўжалиги раҳбари М.Каримов манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига солиқ идораси бошлиғининг фермер хўжалиги раҳбарини маъмурий жаримага тортиш ҳақидаги қарорини бекор қилишни сўраб даъво аризаси киритди.

Суд ушбу фуқаролик ишини кўриш чоғида қуйидагиларни аниқлади: Наманган тумани давлат солиқ инспекцияси раҳбарининг буйруғига асосан инспекция ходимлари томонидан «Ҳаракат-М» фермер хўжалигида текширув ўтказилган. Аммо инспекция ходимлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 279-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолати тўғрисида ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш шартлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, бунга эътибор бермай аниқланган ҳолатлар бўйича баённома расмийлаштиришмаган ва М.Каримовга ушбу кодекснинг 294-моддасида белгиланганидек, ҳақ-ҳуқуқлари ҳам тушунтирилмаган.

Суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, Наманган тумани солиқ инспекциясининг «Ҳаракат-М» фермер хўжалиги раҳбари М.Каримовга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўллаш тўғрисидаги қарорини бекор қилди ва тадбиркорга етказилган зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.



Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига етказилган зарарни ундириш, уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда бошқа таъсир чораларини тўғри қўллаш келгусида юқоридаги каби қонун бузилишига йўл қўйилмаслиги учун муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан қабул қилинган ҳар бир адолатли қарор тадбиркорларнинг эртанги кунга ишонч билан қарашига хизмат қилади.

Абдурасул ЭРАНОВ, фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси

Ҳадя шартномаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида бевосита фуқаролар билан мулоқотга киришиб, шубҳа туғдирмайдиган, бошқа шахсларнинг манфаатларига путур етказмайдиган ҳаракатларни амалга оширади.

Ҳаётда баъзан нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган айрим тарафларга муайян битимнинг ҳуқуқий оқибати тушунтирилганда ҳам улар бунга юзаки ёндашишади. Оқибатда кейинчалик ушбу битимни бекор қилиш учун турли хил баҳоналар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишади. Мисол учун айтадиган бўлсак, Дилшод Кўзиев (исм-шарифлар ўзгартирилди) нотариал идорага мурожаат қилиб, ўзига тегишли бўлган уй-жойни қизи Турсунойга ҳадя қилишини айтиб, бу ҳақдаги ҳадя шартномасини нотариал тасдиқлаб беришни сўради. Нотариус даставвал ҳадя шартномасининг ҳуқуқий оқибатлари, унинг қайси ҳолатларда бекор қилиниши мумкинлигини батафсил тушунтирди. Д.Кўзиев фикрини ўзгартирмай, ўз хоҳиш-истагига кўра, уй-жойини қизига ҳадя қилди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай у нотариал идорага такрор мурожаат қилиб, қизи билан ўртасида низо чиққанини, қизи уйни ўз номига ўтказгач, феъли ўзгариб, онасини ҳурмат қилмай қўйганлигини, шу сабабли ҳадя шартномасини бекор қилишни сўради. Бироқ Турсуной ҳадя шартномасини бекор қилишга қарши эканлиги, шунингдек, уни бекор қилиш учун етарли асос йўқлиги туфайли ушбу шартнома ўз кучида қолди. Демак, нотариал ҳаракат нафақат нотариусдан, балки унинг иштирокчиларидан ҳам юксак ҳуқуқий саводхонликни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, нотариуслик масъулиятли касб сифатида нотариал ҳаракатни амалга оширишда нотариусдан юксак савия, талабчанлик, хушмуомалаликни, шу билан бирга, мурожаат қилган шахсга холисона, виждонан хизмат кўрсатишни тақозо қилади.

Зулфия РОЗИЕВА, Бухоро шаҳридаги 2-сон давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

Ўз нафсини жиловлай олган одамнинг ҳаёти бир маромда кечади. Ҳаётда ҳамиша юзи ёруғ бўлади. Аммо ҳаётда шундай кишилар борки, кўп қатори яшаётганига қаноат қилмайди. Оқработлик Обид Турсуновни (исм-шарифлар ўзгартирилди) шундайлардан десак, асло хато бўлмайди. Чунки у муқаддам икки маротаба судланиб, тегишлича жазо олган бўлса-да, бундан ўзига тўғри хулоса чиқармай нафс йўлида яна жиноят кўчасига кирди.

Qilmish-qidirmish

Бировнинг ҳақи

О. Турсунов Вобкент тумани «Почта алоқаси тармоғи» бўлими бошлиғи вазифасида ишларди. Албатта, унинг зиммасида нафақахўрлар пулини тарқатиш ва пул билан боғлиқ бошқа мажбуриятлар бор эди. У буларни виждонан бажариш ўрнига, пайтдан фойдаланишга ҳаракат қилди. Алоқа бўлими бош ҳисобчиси Матлуба Холёрова, «Пахтабанк»нинг Вобкент тумани бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарган Маҳмуд Азизов, ушбу филиал бош ҳисобчиси вазифасини бажарувчи Умрбек Раҳмонов билан жиноий тил бириктириб, 2009 йил январь-март ойларида почта алоқаси тармоғи бўлимига пенсия ва бошқа нафақа тўловлари учун келиб тушган 156,1 миллион сўмни ҳеч қандай асоссиз коммунал тўловларга, деб кўчириб юборади. Бу борада ҳамтовоқлар ҳужжатларга сохта рақам ва саналарни қайд этишдан асло тап тортишмайди.

О.Турсунов бир ўзи жиноятга қўл урса, айби тез орада фош бўлишини яхши биларди. Шу боис у ўзига «ҳамкор» қидира бошлайди. Дастлабки шерик кўп ўтмай топилди. У Вобкент почта алоқаси тармоғига қараш-ли «Шанба» алоқа бўлими бошлиғи Собир Раҳмонов билан осонгина жиноий тил бириктириб, унинг жавобгарлигидаги нафақахўрларга тарқатилиши лозим бўлган 7.361.594 сўмлик маблағни 2008 йил май ойидан 2009 йилнинг февралига қадар талон-торож қилишади.

Бу ҳам етмагандек, О.Турсунов туман умумий бўлим оператори вазифасида ишлаб келган Зарифа Каримовани ҳам ўзига жиноий шерик қилди. Улар бир гуруҳ бўлиб нафақахўрларга пенсия тарқатиш мақсадида З.Каримова жавобгарлигига 2009 йил 5 август куни берилган 800.000 сўмлик бюджет маблағини такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож этишган. Шунингдек, О.Турсунов Р.Ҳусанов номидаги почта-алоқа бўлими бошлиғи З.Бобоқулова билан ҳам тил бириктириб, нафақахўрларнинг 2008 йил декабрда олиши керак бўлган пулларини устомонлик билан ўзлаштирмоқчи бўлган.

2009 йил май ойи охирларида тармоққа тафтиш келишини эшитган О.Турсунов ва жиноий шерикларининг пайтавасига қурт тушади. Негаки, тармоқда камомад кўп эди.

Айбни бекитиш мақсадида О.Турсунов аввалига жиноий шериги Б.Собирова билан биргаликда 25 миллион сўм пулни ҳеч қандай ҳужжатсиз бош хазинага келтириб топширган.

Islohot va samara

Малакали ҳуқуқий ёрдам

фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқароларга шартнома бўйича вакил бўла оладиган шахслар белгиланди.

Ушбу меъёрга асосан, адвокатлар ўзлари ишлаб турган юридик маслаҳатхоналардан олган ордерларига биноан фуқаролик суд ишларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлсалар, қариндошлар қариндошлик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим қилиши лозим. Юридик шахсларнинг ходимлари айнан шу юридик шахсларнинг, шунингдек, нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакили шу ташкилот аъзоларининг ишлари бўйича фуқаролик судида ваколатли вакил бўлиши мумкин. Масалан, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва шунга ўхшаш юридик шахслар ва нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари фақат шу ташкилотларнинг ишлари бўйича вакил бўла олади. Яъни бундай вакиллар бошқа фуқароларнинг суд ишларида ваколатли вакил сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.



Фуқаролик кодексининг 52-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра, ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахснинг вакили сифатида қатнашишига рухсат берилган шахс шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла олади. Бунда шуни тушуниш лозимки, агар жисмоний шахсларнинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлари, шунингдек, биргаликда иштирок этувчилардан бирининг иштирок этишининг имкони бўлмаса, жисмоний шахс кам таъминланган бўлса ёки ногирон бўлса ёхуд адвокат хизматидан фойдаланиш учун маблағи бўлмаса, суд томонидан ишда жисмоний шахснинг вакили сифатида фуқаролик ишини кўришда иштирок этишига рухсат берилиши мумкин. Бироқ ушбу ишда қатнашган вакилнинг бошқа ишларда вакил сифатида қатнашишига йўл қўйилмайди. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари ҳам шунга алоҳида эътибор қаратиб, қонун талаблари бузилишига йўл қўймасликлари лозим.

Фуқаролик кодексининг 52-моддаси 3-қисмида судда вакил сифатида профессионал иш юритиш фаолияти билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Адвокатлар ордер тақдим қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда барча фуқаролик ишларида ҳеч қандай чекловларсиз иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам олиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун яратилган ҳуқуқий асос давлатимиз раҳбарининг **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмаслигига қаратилган тарафлар вакиллиги институти такомиллаштирилиши лозимлиги ҳақидаги кўрсатмаларига тўлиқ мос келади.

Машкура САФАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Huquqiy ma`rifat

Аввало шуни айтиш керакки, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Демак, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни жавобгарликка тортиш учун унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланган бўлиши керак. Исбот қилиш деганда, ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш тушунилади.

Далиллар мақбуллиги

Демак, шахснинг айбини исбот қилиш учун далил тўпланиши лозим. Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашга асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Жиноят иши бўйича қонуний қарор қабул қилишда далил муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар қандай маълумот далил бўлиши мумкин эмас ва далилларни тўплаш қонунда белгиланган тартибдагина амалга оширилиши лозим.

2004 йил 24 сентябрда Олий суд Пленумининг **«Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда Жиноят процессуал кодексининг 11-моддасида белгиланган қонунийлик принципига мувофиқ, ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шартлиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келиши, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, жиноят иши бўйича суриштирув, тергов ва судда фақатгина мақбул бўлган далилларга асосланилиши бу — ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишига дахли бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Фаррух ТУРСУНОВ,
жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор тумани судининг раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Олди-сотди шартномаси

уни қандай ҳолларда ҳақиқий эмас, деб топиш мумкин?

Амалдаги Фуқаролик кодексида битимлар тушунчасига шундай таъриф берилган: «Битимлар — фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларидир». Бошқача айттанда, фуқароларнинг турли муносабат билан ўзаро келишувларига битимлар сифатида ҳуқуқий баҳо берилади.



Кундалик ҳаётда кўп дуч келинадиган битимлардан бири — олди-сотди шартномасидир. Бундай шартнома уй-жой, автомашина ва бошқа мол-мулкларни сотиш ёки сотиб олишда расмийлаштирилади. Қонунга кўра, олди-сотди шартномаси бўйича низо вужудга келганда, фақат шартноманинг иштирокчиларигина ушбу шартномани бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилиши мумкин.

Масалан, Г.Тўрабоева судга Ў.Алиев ва бошқаларга нисбатан биржа савдоси натижасида тузилган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат этган. Аниқланишича, даъвогар Г.Тўрабоева ва жавобгар Ў.Алиев ака-сингил. Аниқроғи, оталари Мингяшар Алиев икки марта уйланган бўлиб, Г.Тўрабоева М.Алиевнинг иккинчи никоҳидан туғилган.

М.Алиевнинг вафотидан сўнг марҳумнинг мол-мулки бўйича фарзандлар ўртасида низо пайдо бўлган. Даъвогар ҳақиқий эмас, деб топишни сўраётган шартнома объекти дўкон биносидир. М.Алиев ўзига тегишли бўлган Иштихон деҳқон бозори ҳовлисида жойлашган дўкон биносини 2007 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг универсал биржа маркази Самарқанд филиали томонидан ўтказилган биржа савдосида Ўлмас Алиевга сотган.

Бироқ судга тақдим этилган ҳужжатлардан аниқланишича, низоли дўкон биносининг олди-сотди шартномаси марҳумнинг вафотидан бир йил ўтгач, расмийлаштирилган. Ҳолбуки, Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **«Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарорининг 17-бандида шундай тушунтириш берилади: **«Олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис, мазкур шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина шартнома иштирокчилари низолашишга ҳақлидирлар»**.

Шунга мувофиқ, даъвогар низолашилаётган олди-сотди шартномасининг иштирокчиси ҳисобланмайди. Г.Тўрабоеванинг шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъвоси суднинг 2010 йил 4 февралдаги ҳал қилув қарори билан иш юритишдан тугатилиб, ушбу ҳолат бўйича жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини кўриб чиқиш тўғрисида туман прокурорига маълум қилиш лозим деб топилди. Эндиликда Ў.Алиев ва биржа ходимлари ўзларининг жиноий қилмиши учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, шартнома ҳар бир иштирокчининг зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Қонунга кўра, ушбу мажбуриятларни тўлиқ адо этган кишигина адашмайди, шартномадан наф кўради. Аксинча, ишга ноқонунийлик аралаштирган кишининг боши хам бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ж.ХУДОЙНАЗАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг судьяси

Saboq

Хусусий мулк ҳуқуқи – шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда хусусий мулк ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқлар билан тенглиги таъминланган, фуқароларнинг мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўлиқ муҳофаза этилмоқда. Шунга мувофиқ, фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини таъминлаш ҳуқуқ тартибот идоралари зиммасида турган бирламчи вазифалардан саналади.

Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги

ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тўлиқ таъминланади



Шу ўринда бевосита мисолга мурожаат этадиган бўлсак, Т.Тўраева судга мурожаат этиб, жавобгар Г.Наврўзов билан бирга яшай олмаслигини, шунинг учун ўзига тегишли бўлган буюмларни қайтариб олиб беришни сўради. Маълум бўлишича, улар 2007 йилнинг декабрь ойида қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. Аввалига аҳил-иноқ турмуш кечиришган. Вақт-соати етиб фарзандлари туғилгач, ҳаётлари янада қувончга тўлди. Орзу-ҳавас билан унга Манас деб исм қўйишди. Таассуфки, шундан сўнг эр-хотиннинг ўртасидан оламушук ўтди — гаплари чиқишмай қолди. Натижада оилада турли келишмовчиликлар пайдо бўлди. Доимий уриш-жанжаллар оқибатида болага ҳам жиддий эътибор беришмагани туфайли Манас тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Ниҳоят, сабр-тоқати тугаган Т.Тўраева 2009 йилнинг бошларида ота уйига қайтишга мажбур бўлди...

Т.Тўраева суддан Г.Наврўзов билан энди бирга яшай олмаслигини, шу сабабли ота-онаси тўйларига совға қилган жами 1.036.000 сўмлик мол-мулкини қайтариб олиб беришни сўраган.

Ушбу фуқаролик ишини батафсил ўрганиб, далилларга ҳуқуқий баҳо берган суд Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддаси ҳамда Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги **«Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг айрим меъёрлари судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»**ги қарори 7-банди талабларига асосланиб, жавобгарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантирди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. Зотан, мулк ҳуқуқининг конституциявий асослари жамият фаровонлиги ва тараққиёти йўлидаги муҳим воситадир.

Саодат ҚАИПНАЗАРОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг раиси

Mas`uliyat va majburiyat

Инсон муваффақиятларининг асоси, аввало, ҳалол меҳнатдир. Буни вақтида англаб етган кишигина олдига тўғри мақсад қўйиб, шунга интилади. Яъни бирор-бир касбнинг бошини тутиб, ҳалол меҳнати билан ўзига, қолаверса, бошқаларга наф келтиради.

Маҳалла — ибрат мактаби

Пўлат Ўктамов (исм-шарифлар шартли) бир неча йиллар давлат идораларида хизмат қилиб, нафақага чиқди. У ўз меҳнат фаолияти давомида нафақат ҳамкасблари, балки маҳаллакўй орасида ҳам ҳурмат-эътибор қозонди. Шунинг учун ҳам унинг маҳалла оқсоқоли этиб тайинланиши барчага маъқул келди.

Маълумки, маҳаллаларга ҳукуматимиз томонидан кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда. Жумладан, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш, ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилгани учун ойлик нафақа тайинлаш ҳам маҳалла фуқаролар йиғини ваколатига берилгани фикримиз исботидир.

Шу ўринда табиий савол туғилади: маҳалла фуқаролар йиғини томонидан бериладиган нафақа ва моддий ёрдамни қандай тартибда расмийлаштиради? Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, маҳалла фуқаролар йиғинида нафақа пулини тўлаш учун ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 декабрдаги 33-сонли қарори талаблари асосида расмийлаштирилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, тураржойни ижарага бериш шартномаси қанча муддатга тузилади?

Н.АЗИЗОВА,
Пешку тумани

— Уй-жой кодексининг 36-моддасига мувофиқ, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги тураржойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган тураржойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан Фуқаролик кодексининг қоидалари қўлланилади.

Янги муддатга шартнома тузишда ижарага олувчи имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан сўнг ҳам тураржойдан фойдаланишни давом эттирса, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган деб ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондидан ижарага берувчи, агар тураржойни ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, бу ҳақда ижарага олувчини камида бир йил олдин хабардор этиб, янги муддатга шартнома тузишдан воз кечиши мумкин (аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди бундан мустасно).

Саволга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Mulohaza

Тун ярмидан ошган. Ҳамма ширин уйқуда. Кўчада тирик жон кўринмайди. Шу пайт ўн беш ёшли ўспирин атрофга аланг-жаланг боқиб, йўл четидаги ошхона эшигига яқинлашди. Атрофда ҳеч ким йўқлигига амин бўлган Нурбек (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ошхона эшигини бузиб ичкарига кирди. У амакиси, жабрланувчи Н.Мўминовга тегишли хусусий ошхонадан умумий қиймати 612 минг сўмлик мол-мулкни ўғирлаб, воқеа жойидан ғойиб бўлди...

Боланинг бегонаси бўлмайди

вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик кутилган самарани беради

...Гулбаҳор бувисиникига деярли ҳар куни келиб-кетарди. Шу сабабдан ҳовлидаги ит уни танийди. Гулбаҳорни кўриши, овозини эшитиши билан у тинчланиб, бир четга ўтиб, ётиб олади.

Гулбаҳор холаси Нозимага тегишли заргарлик буюмлари уйнинг тўридаги сандиқда, унинг калити эса бувиси Моҳина онанинг нимчаси чўнтагида сақланишини ҳам яхши биларди. Кейинги пайтда тилла тақинчоқларни қўлга киритиш фикри Гулбаҳорни тинч қўймади. У кунларнинг бирида ярим тунда таниши Жасур билан бувисининг ҳовлисига ўғирликка тушди.

Жасур Гулбаҳорнинг девордан ошиб ўтишига кўмак бериб, ўзи ташқарида пойлоқчиликка қолди. Итнинг қаршилигисиз уйга осонгина кириб олган Гулбаҳор бувисининг чўнтагидан сандиқнинг калитини олди. Сўнг у Нозимага тегишли тилла сирға, узук, шунингдек, бошқа хонадан 150 минг сўмлик қўл телефони, жами 2 миллион 285 минг сўмлик мол-мулкни ўғирлаб, ташқарига чиқди.

Суриштирув ва тергов ҳаракатлари натижасида ҳар иккала жиноят ҳам фош этилди. Маълум бўлишича, Нурбекнинг ҳам, Гулбаҳорнинг ҳам оила аъзолари уларнинг юриш-туришига эътиборсиз қарашган. Ана шу эътиборсизлик оқибатида Нурбек ҳам, Гулбаҳор ҳам жиноят кўчасига қадам босишган.

(Давоми тўртинчи бетда)

ўзгага буюрмайди

Бундан ташқари бошлиқ оператор Б.Собировага камомадни ёпиш учун 8 миллион сўм беради. Оператор ҳам ўз ҳисобидан 1.825.859 сўм накд пулни ўз жавобгарлигидаги хазинага ҳужжатсиз кирим қилади.

Қилмишларининг ошкор бўлмаслиги учун О.Турсунов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, оператор Б.Собирова, тармоқ бош ҳисобчиси М.Оллоёрова, хат ташувчи Ҳусниддин Исроилов билан жиноий тил бириктиради. Улар бир гуруҳ бўлиб 2009 йил май ойида тўланмаган пенсия камомадини ёпмоқчи бўлишади ва ведомостларнинг асл нусхасига нафақахўрларнинг номларидан имзо қўйишади... Бироқ булар ҳали хамир учидан патир эди. Сабаби, О.Турсунов ва унинг жиноий шериклари фуқаролар манфаатларига жуда кўп миқдорда зиён етказишганди.

- Почта алоқа тармоғидан 2008-2009 йилларда асоссиз, ҳужжатсиз олинган пулларни ҳам жойига қўйиш керак. Мана, 25.486.415 сўм пулни олинг-да кирим қилинг, - дея «уҳ» тортган О.Турсунов зиённинг нақадар катталигини энди тушунгандай эди.

Оператор Б.Собирова ҳам бошлиғи топшириғига биноан асоссиз ҳужжат билан «иш» битирди. Шу тариқа 2008 йил 31 декабрда туман газ ва электр тармоқларига юборилган 25.486.416 сўмлик реестр ҳисоботлари нусхалари саналари ўчирилиб, қайтадан 2009 йил 31 май деб ўзгартирилди ва ҳужжатларни сохталаштириш жиноятига такроран йўл қўйилди.

...Судланувчи О.Турсунов Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 209-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир қилганликда айбли деб топилиб, қонунга биноан жазоланди.

Судланувчи С.Раҳмонов Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромадига ўтказиш жазосига тортилди. Ҳар икки жиноятчи маълум муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Хуллас, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган, бировнинг ҳақидан қўрқмаган текинтомоқларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди, айбдорлар тегишлича жазоланди. Шу ўринда бир мулоҳаза. О.Турсунов ҳам, С.Раҳмонов ҳам муқаддам икки мартадан судланиб, амнистия туфайли жазодан озод бўлишган. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, бундан тўғри хулоса чиқаришмаган. Агар улар давлатимиз томонидан ўзларига нисбатан кўрсатилган бағрикенгликнинг моҳиятини тўғри англаганида бугун яна афсус-надоматда бош эгиб ўтиришмасди.

Ҳамза ФОЗИЛОВ,
Бухоро вилояти прокурори ёрдамчиси
Азизбек АҲМЕДОВ,
Вобкент тумани прокурори

Mutolaa

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази муассислигида чоп этилаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг жорий йилдаги илк сони нашрдан чиқди. Журналнинг ушбу сонидан ҳам жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган муҳим жараёнларга доир таҳлилий мақолалар ўрин олган.

Журналнинг янги сони

«Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг илдам ривожланишини таъминлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган бундай ютуқларнинг боиси, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётганида, энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онгу тафаккури ўсиб бораётганидадир», деб таъкидланади «Энг муқаддас мақсад» номли мақолада.

Баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши ота-оналар, таълим-тарбия муассасаларининг ўз масъулиятларини виждонан адо этиши, шунингдек, ижтимоий институтларнинг самарали фаолиятига узвий боғликдир. Шу боис ҳам бу борада барча масала муҳим аҳамият касб этади. Журнал саҳифасидан ўрин олган Г.Ўразалиеванинг «Соғлом она — соғлом бола» сарлавҳали мақоласида ижтимоий ҳаётда оиланинг, аёлнинг тутган ўрни ҳақида атрофлича фикр юритилади. Мақола муаллифининг фикрича, «инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Ушбу нуқтаи назардан гендер муносабатларини ўрганиш ва унинг оилавий муносабатларнинг шаклланишидаги илмий, маънавий-ахлоқий асосларини жамият аъзолари онгига сингдириш ижтимоий фанлар олдидаги энг долзарб муаммолардан биридир».

Ушбу сонда журналнинг муассиси — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти тўғрисида мухтасар маълумот берувчи мақола ҳам чоп этилган. «Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ — 2009 йилда» сарлавҳали ушбу мақолада Миллий марказнинг ўтган йилдаги фаолияти ҳақида фикр юритилади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш, уларга риоя қилинишини таъминлашни кўзда тутувчи Марказ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Марказ томонидан ишлаб чиқилган «Бепул юридик ёрдам тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг молиявий ҳолатидан қатъи назар, юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлар хусусидаги «Ўзбекистон аёли тараққиёт билан ҳамнафас» (Ф.Акбарова), «Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланиши» (А.Шодмонов), жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдай муҳим жараённинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган «Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, унинг истиқболлари» (Ҳ.Ҳалимов), «Бошқарувни демократлаштириш ва уни амалга оширишда сиёсий-ҳуқуқий фаолликнинг роли» (Н.Сабуров) каби мақолалар журнал мундарижасини бойитган. «Туронзаминнинг номланиши: мозийга назар» (О.Бўриев, М.Усмонов) сарлавҳали мақолада эса юртимиз тарихини ўрганиш, хусусан, унинг ўтмишда қандай номлар билан аталгани тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Бир сўз билан айтганда, «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг янги сони мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган изчил ислоҳотлар, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга хизмат қилади.

Отабек САФАРОВ

Mas`uliyat va majburiyat

Маҳалла — ибрат мактаби

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Нафақа олувчи фуқаро ариза билан мурожаат қилиб, тегишли ҳужжатларни топширгач, маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби томонидан ҳужжатлар қабул қилинади ва рўйхатга олинади. Шундан сўнг котиб ҳужжатлар асосида нафақа олувчи оиланинг моддий ва мулкий аҳволини махсус комиссия ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари билан биргаликда ўрганиб чиқади ва кенгашга кўриб чиқиш учун тайёрлайди. Расмийлаштирилган ҳужжатлар маҳалла идорасида етти кишидан иборат комиссия томонидан ўрганилиб, оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ҳам текшириб чиқилади. Шундан сўнг нафақа тайинланади. Ҳужжатлар комиссия иштирокчилари томонидан имзоланади. Шу асосда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилади.

Афтидан, маҳалла раиси П.Ўктамов ва унинг котибаси И.Комилова бу тартибни унутишган кўринади. Негаки, улар ўзларига ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажариш ўрнига, уни суиистеъмол қилишди. Наманган шаҳар молия бўлими ва вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан маҳалланинг 2007-2009 йиллардаги молиявий аҳволи текширилганда буларнинг бари фош бўлди.

Маҳалла раиси П.Ўктамов ва котиба И.Комилова ўзаро тил бириктириб, нафақа тайинлаш учун ҳужжатларни қабул қилишда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмай, фуқаролар манфаатларига зарар етказишган. Жумладан, улар маҳалла ҳудудида яшамаётган фуқаролар ҳақида сохта маълумот тайёрлаб, 13,6 миллион сўмдан ортиқ нафақа пулларини ноқонуний равишда тайинлашган. Шундан 11,5 миллион сўмдан ортиғини ўзлаштириб юбориб, кўп миқдордаги бюджет маблағларини талон-торож қилишган.

Уларнинг жиноятлари гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди. Суд жиноятчиларга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мансаб меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, билимдонлик, ҳалоллик-зийраклик эвазига берилган мукофот. Айниқса, маҳалла оқсоқоли даражасига эришиш учун шу ерда катта ҳурмат ва обрў қозониш керак. Оқсоқол ўз хатти-ҳаракатлари билан маҳалладошларига ибрат кўрсатса, нур устига аъло нур. Аммо унинг ўз нафсини ўйлаб, йўлдан адашиши кечирилмас ҳол. Шундай экан, ўзгалар ишончини оқлаш, мансаб масъулият эканини ҳар бир раҳбар муқаддас бурч деб билиши мақсадга мувофиқдир.

Бумайрам БОБОМИРЗАЕВА,
жиноят ишлари бўйича
Наманган шаҳар судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ҳар қандай доноликнинг замини – сабр-қаноат.

* * *

Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл солади.

* * *

Ҳалол одам ҳакамлик курсисига ўтирар экан, шахсий майлларини унутади.

* * *

Ҳар икки томонни обдон тингламай, ҳукм чиқарма.

* * *

Ғазабланган гувоҳнинг сўзларига ишониш мумкин эмас.

* * *

Ҳамроҳини мушкул дамда ташлаб кетган одам ҳеч ерда ҳаловат тополмайди.

* * *

Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар.

* * *

Тақдир зарбаларини мардлик бартараф этади.

Jinoyat va jazo

Инсон дунёга бир марта келади. Умри давомида яхши амаллари билан яхши ном чиқариши ёки аксинча, ўзгаларга етказган озори билан қора доғ қолдириши мумкин. Албатта, яхшилик ҳамма нарсадан аъло. Аслида ўзи бажараётган ишни астойдил ўринлатган, бола-чақа, уйрўзғорга ғамхўр бўлиб, нонини ҳалоллаб еганга нима етсин? Бундай одам ҳузур-ҳаловатда, бехавотир яшайди.

Яхши ном

унга хайрли амаллар билан эришилади

Баҳодир (жабрланувчининг исми ўзгартирилди) «Нексия» русумли машина сотиб олиб, киракашлик билан шуғулланарди. Шунинг ортидан рўзғор тебратарди.

Ўша куни у Жиззах шаҳридаги «Кўкбозор» ёнида, автомашиналар тўхташ жойида мижоз кутиб турганди. Икки киши келиб Бахмал туманига тўйга боришаётганини айтиб, элтиб қўйишни сўрашди. Савдолари келишгач, йўлга тушишди. Йўлда кетатуриб, Баҳодир англадики, йўловчилар ота-бола. Бироқ айтилган жойга етиб боришгач, ажабо, ҳеч қандай тўйдан дарак йўқ. Баҳодир ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини йўловчиларнинг ёши улуғи Абдуваҳобдан сўради.

— Тўй эмас, — деди Абдуваҳоб, — бир кишида оладиган қарзим бор. У одам бизни кутиб туриши керак эди. Машинани ҳайдайверинг, келишилган пулни оласиз.

Бу орада машина тўрт-беш чақирим йўлни босиб қўйди. Қишлоқ аллақачон тугаган, уйлар ортда қолиб, яйлов бошланди. Атрофни қоронғилик қоплади. «Қарзи бор одам дашт жойда кутиб ўтирадими — кўнглидан ўтказди Баҳодир. — Ота-боланинг нияти бузуққа ўхшайди». Баҳодир ҳушёр тортди. Сўнг машинани тўхтатиб, ташқарига тушишга чоғланган пайтда ёнида ўтирган Абдуваҳоб унинг қўлларига ёпишди. Баҳодир, табиийки, унга қаршилик

кўрсатди. Орқа ўриндиқда ўтирган Ориф ҳам бирдан унга ташланди ва бўйнидан бўғиб олди. Аммо кучлари етмаслигига кўзи етган Абдуваҳоб ўғлига «Пичоқни ур!» — дея буюрди. Ориф пичоқ билан Баҳодирга ҳаёт учун хавфли тан жароҳати етказди. Улар Баҳодирни ўлди, деб ўйлашганди. Лекин у бор кучини йиғиб йўлнинг нариги тарафига қочиб ўтди ва тун қоронғисида ғойиб бўлди.

Шундан сўнг рулга ўтирган Абдуваҳоб машина чироқларини Баҳодир кетган томонга тўғрилади. Аммо уни топишолмагач, босқинчилар машинада йўлга тушишди. Аммо улар узоққа кета олишмади, чунки машинани бошқилишди. Қисқаси, улар ўзларининг қабиҳ қилмиши билан жабрланувчига 2 миллион 667 минг 696 сўмлик моддий зарар етказишди.

Жабрланувчи кўп қон йўқотган, ҳаёти қил устида эди. Тиббиёт ходимларининг астойдил ҳаракатлари билан унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бу мудҳиш жиноятга қўл урган Абдуваҳоб Юсупов эллик уч ёшда. Агар унинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, муқаддам жиноят ишлари бўйича Булунғур тумани судининг ҳукми билан ўғирлик жинояти учун тўрт марта судланган. Бундан тўрт йил бурун ўғил-қизлари бўй етиб қолишганда хотини билан ажрашди. Бундан тўғри қаришни эплай олмаган Абдуваҳоб уни йўл четидаги темир тўсиққа уриб олди. Йўл-транспорт ҳодисасидан сўнг ота-бола Баҳодирнинг ва автомашинанинг ҳужжатларини ғаразгўйлик ниятида йўқ сабоқ чиқармаган Абдуваҳоб, афсуски, ўзганинг автомашинасини босқинчилик йўли билан эгаллаш, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш жиноятига эндигина йигирма ёшга қадам қўйган ўғли Орифни ҳам жалб қилди. Жиноятчилар Баҳодирни ўлдириш ва унинг «Нексия» русумли машинасини талон-торож қилиш мақсадида бўлишган. Жиноят қабиҳ ниятли кимсаларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмай қолган.

Суд судланувчилар А.Юсупов ва О.Ярмахатовларни Жиноят кодексининг 25-97-моддаси 2-қисми «и», «п» бандлари, 164-моддаси 4-қисми «а» банди, 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли топиб, ҳукм ўқиди.

Жиноят тафсилоти одамни ҳушёр торттиради. Уни бефарқ ўқиш, тинглаш мушкул. Ҳаммасидан ёмони шундаки, фарзандини фақат яхши йўлга бошлаши лозим бўлган ота жиноятга, одам ҳаётига суиқасд қилишдек хунрезликка бошласа...

Ҳар бир инсон яшаш бахтига эга. Яшаш бахти оила, бола-чақа, яқинларнинг меҳрини ҳис этиб, умргузаронлик қилиш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш демакдир. Бундан ташқари бахт осмондан тушмайди, ҳеч ким уни ҳозирлаб ҳам бермайди. Бахтли бўлиш инсоннинг ўз қўлида. Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир».

Неъматулла БОБОЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Жиззах вилояти
судининг судьяси

Maslahat

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш

у қандай ҳолларда амалга оширилади?

Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ, суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан-бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Tafakkur gulshani

Маҳмуд САТТОР

Нега шундай деймиз?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Хомсан – пишарсан, бу шаштингдан тушарсан.

Бу мақолни ишлатиш билан халқимиз: «Ҳозир кўп гапириб, мақтаниб, катта кетяпсан, ҳали ёш, мағрур ва тажрибасизсан. Лекин вақт-соати келиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрганингдан сўнг, оғир-босиқ бўлиб қоласан. Ўринсиз ҳаволанмайдиган, ўзингни камтар олиб, бошқаларнинг фикрини ҳам тинглайдиган бўласан», деб насиҳат қилади. Ҳовлиқма, мақтанчоқ кишиларнинг ҳоврини босиш учун кўпни кўрган кекса отахонлар «Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўлурсан мендек» деб киноя оҳангида танбеҳ ҳам беришади.

* * *

Чиройинг борида чинорингни топ.

Чинор энг узоқ умр кўрадиган дарахтлардан, абадийлик ва қудратли таянч тимсоли. Одатда, қизларга насиҳат тарзида айтиладиган ушбу мақол билан: «Ҳусн-жамолинг тўлишган, чиройинг гулдек очилган вақтда сенга умр бўйи ҳамроҳ бўладиган, суянчиғинг — жуфти ҳалолингни топиб ол. Вақтни ғанимат бил», демоқчи бўлишади. Чунки ёшлик, чирой, ҳусну жамол — ўткинчидир. Гўзаллиги билан керилган кейин пушаймон бўлиши мумкин. Муқобили: «Танлаб-танлаб, тозисига учрама».

Mulohaza

Боланинг бегонаси бўлмайди

вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик кутилган самарани беради

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Суд вояга етмаган ҳар иккала судланувчига жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги **«Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорига асосланди.

Суд вояга етмаган судланувчи Н.Мўминовга энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади. Г.Қувоновни эса Жиноят кодексининг «в» банди билан айбли топиб, Жиноят кодексининг 85-моддаси 3-қисми «б» бандига асосан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилди. Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан унга нисбатан тайинланган жазони шартлига алмаштириб, бир йил синов муддати белгилади. Нурбекка «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Х.Умарова, Гулбаҳорга эса Сўфи Оллоёр номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси А.Аҳмедова жамоатчи тарбиячи этиб тайинланди. Уларга вояга етмаган судланувчилар устидан назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтадиган бўлсак, болалар ўртасида содир этиладиган жиноятларни бартараф этишда ҳуқуқ-тартибот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара беради. Бунга фаолиятимиздан мисол келтирадиган бўлсак, ҳар чоракда мунтазам ўтказиб келинаётган Каттақўрғон шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими ва участка нозирлари, терговчилар иштирок этишмоқда. Юқорида баён этилгани каби вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чоралари юзасидан фикрлашилмоқда. Ҳамкорлик натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши йил сайин камайиб бормоқда.

Умуман олганда, болалар ўртасида турли жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳуқуқ-тартибот ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамкорлиги нечоғлик яхши йўлга қўйилганига боғлиқ. Болаларнинг бегонаси бўлмайди. Бир болага етти маҳалла ота-она деб кексаларимиз бежиз айтишмаган. Шундай экан, ҳар бир боланинг келажаги, тақдирига ҳамма бирдек жавобгар.

Фурқат УСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Каттақўрғон шаҳар
судининг раиси

G'aroyib olam

Ғалати ва антиқа қонунлар

АҚШнинг Техас штати қонунлари ўзининг қаттиққўллиги билан ажралиб туради. Масалан, бу штатда тик турган ҳолда уч қултумдан ортиқ пиво ичиш, меҳмонхонанинг иккинчи қаватидан туриб, буйвол (*буқаларнинг кенжа оиласига мансуб ҳайвон*)га ўқ узиш қонунан тақиқланади. Ушбу штатда икки поезд йўлнинг кесишадиган қисмига келиб қолишганда бошқа бир поезднинг ўтиб кетгунига қадар тўхтаб туриши қонундан белгилаб қўйилган. Кейин оёқланг юриш учун 5 доллар пул тўлаб махсус рухсатнома олишга тўғри келади.

Ана шундай антиқа қонунлардан энг сўнггиси кенжа Жорж Буш томонидан қабул қилинган. Унга кўра, жиноятчи жиноятни амалга оширишдан камида 24 соат олдин қурбонини оғзаки ёки ёзма равишда огоҳлантириши (!) шарт. Бундан ташқари огоҳлантиришда тайёрланаётган жиноят тўла-тўкис қайд этилиши лозим. Ушбу ҳолатга амал қилмаслик суддa жиноятни ўта оғирлаштирувчи ҳолат, дея баҳоланади.

Кларендонда, масалан, ўз уйидаги чангларни артиш ёки кетказишда қушлар патидан қилинган чўткадан фойдаланиш тақиқланган.

Хьюстонда якшанба куни ярим тунлар патидан сўнг пиво сотиш мумкин эмас. Аммо душанбада уни куннинг исталган вақтида сотиш мумкин.

Флоридадаги қонунлар ҳам Техас штатиникидан қолишмайди. Бу ерда турмуш қурмаган аёлларга якшанба кунлари парашютдан сакраш тақиқланади. Бундан ташқари Флоридада чўмилиш кийимида ашула айтиш, рақам белгиси бўлмаган скейтборда учишга қонун рухсат бермайди. Яна бир кунда учтадан ортиқ ликопча синдириш тақиқланган. Буниси эса ундан-да ғалати: Пенсакола шаҳрида ваннада электр асбоблардан эҳтиёт бўлиб фойдаланмаслик оқибатида нобуд бўлган аёл киши 100 доллар миқдорида жаримага тортилади!

Майамида товуш сигнали ўрнатилмаган велосипед ҳайдаш мумкин эмас. Бироқ велосипедчиларга товуш сигналидан фойдаланиш(!) тақиқланган.

Арканзас штатида ҳам антиқа қоидага дуч келиш мумкин. Ушбу штат қонунида «сайлов куни ва овозларни санаш чоғида, ким бўлишидан қатъи назар, исталган важни кўрсатиб, сайлов участкасининг дераза ва эшикларига 15 метрдан кам бўлган масофага яқинлашиш тақиқланади».

Худди шу штатда кечки соат 21 дан сўнг ҳайдовчиларга совуқ газаклар ва салқин ичимликлар сотадиган муассасалар олдида машина сигналидан фойдаланиш тақиқланган. Ушбу қонун доирасига нафақат бар ва ресторанлар, балки хусусий уйлар ҳам киради.

Интернет маълумотлари асосида
Нурпўлат НУРҚУЛОВ тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-318. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 6506. 1 2 3 4 5 Топширилди: 22⁰⁰